

---

Марказдан олис ҳудуд "Ғаллакор" маҳалласининг 3,5 км ички йўлларига асфальт ётқизилиб, Янги ҳаёт, Ўрдакли, Алибобо кўчалари қиёфаси кўркам тусга кирди.

Фурқат туманида маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда.

Давлат раҳбарининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сон қарорига асосан тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ички кўчалар бирин кетин асфальтланмоқда.

Хусусан, туманнинг энг чекка ҳудудларидан бири "Ғаллакор" маҳалла фуқаролар йиғинининг 3,5 км ички йўллари асфальтланиб, Янги ҳаёт, Ўрдакли, Алибобо кўчалари қиёфаси кўркам тусга кирди.

Аҳоли вакиллари маҳаллаларнинг қиёфаси тобора кўркамлашиб бораётганидан мамнун.

2023-05-17 17:12:58